

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРУГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВА ФАЗИЛАТ АМИНБОЕВНА**

**БОЛАЛАРДА РЕФРАКЦИЯ АНОМАЛИЯЛАРИ КОРРЕКЦИЯСИ ВА  
ПРОФИЛАКТИКАСИГА МАЖМУАВИЙ ЁНДАШУВ**

**14.00.08 – Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автиреферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Султонова Фазилат Аминбоевна**

Болаларда рефракция аномалиялари коррекцияси  
ва профилактикасига мажмуавий ёндашув..... 3

**Султонова Фазилат Аминбоевна**

Комплексный подход к коррекции и профилактике  
аномалии рефракций у детей..... 23

**Sultonova Fazilat Aminboevna**

An integrated approach to the correction and prevention  
of refractive errors in children..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРУГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВА ФАЗИЛАТ АМИНБОЕВНА**

**БОЛАЛАРДА РЕФРАКЦИЯ АНОМАЛИЯЛАРИ КОРРЕКЦИЯСИ ВА  
ПРОФИЛАКТИКАСИГА МАЖМУАВИЙ ЁНДАШУВ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1043 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий кенгаши веб-саҳифаси ([www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Дадамухамедова Шохид Мубашировна**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар**

**Кремкова Елена Витальевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Бузруков Ботир Тўлқунович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот**

**С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Ташкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14, телефон: +998(71)-217-49-37, факс: +998(71)-217-49-34, e-mail: info@eyecenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Ташкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14, телефон: +998(71)-217-49-37.

Диссертация автореферати 2023 йили «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Ш.А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**М.Х. Каримова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 45 млн. кўзи ожиз ва 135 млн. кўриш қобилияти жиддий заифлашган аҳоли бор, ушбу халқаро ташкилот экспертлари ташаббуси билан олдини олиш ва даволаш зарур бўлган кўз касалликларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Шунингдек, «ташқи ва ички салбий омиллар нафақат кўриш аъзосининг тузилишига таъсир қилади, балки унинг фаолиятини ҳам бузади, бу эса ўз навбатида турли офтальмопатологиялар ривожланиши билан ифодаланади»<sup>1</sup>, деб ҳисобланади. Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши билан одам организмига турли ташқи кимёвий, биологик, экологик омиллар таъсир кўрсатиши кейинги ўн йилликларда ошиб бормоқда. Организмнинг ажралмас қисми сифатида кўриш аъзоси ҳам ушбу омиллар таъсиридан ҳоли эмас. Аҳоли саломатлигини таъминлашда профилактик чора-тадбирлар истиқболли бўлиб, кўз касалликларини бартараф қилиш, шу жумладан кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчиларида рефракция аномалиялари шаклланишининг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда рефракция аномалиялари шаклланиши ва ривожланиши сабаблари, тарқалганлиги, эрта ташҳиси, давоси ва профилактикасига, рефракция аномалиялари натижасида ногиронлик ва болалар кўриш аъзосига турли зарарли омиллар таъсирига қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рефракция аномалиялари клиникаси, диагностикаси, консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари кенг кўламда олиб борилиб, ташҳислаш ва даволашнинг замонавий, янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Болалар организми ва кўриш аъзоси анатомо-физиологик хусусиятлари болалик даврида ўзига хос кўз патологиясига олиб келиши, бу хусусиятлар болаларда кўз касалликларининг клиник кўриниши, кечиши ва асоратларида ўз изини қолдиради, катталарда бўлмаган кўз патологиясини ривожлантириш учун асос яратади. Болаларда рефракция аномалияларини коррекцияси ва профилактикасига ёндашувнинг мажмуавий усуллари ишлаб чиқиш зарур, бу эса касалликни эрта ташҳислаш асоратларни олдини олишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, кўз касалликларини эрта ташҳислаш орқали унинг асоратларини камайтириш, мактаб ёшидаги болаларда кўз касалликларининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни олиб бориш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш,

---

<sup>1</sup>Амиров А.Н., Сайфуллина Ф.Р., Зайнутдинова И.И. Распространенность заболеваний органа зрения среди детского населения, проживающего в экологически неблагоприятных районах // Казанский медицинский журнал. – Казань, 2013. - Том 94. - №1. - С.22-25.

тиббийёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...» вазифалари белгиланган»<sup>2</sup>. Бу эса аҳолига офтальмологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, болаларда кўз касалликлари, жумладан рефракция аномалияларини ташхислаш ва даволаш, ушбу патология билан болаларни адекват олиб бориш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармони «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида, шунингдек, ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббийёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рефракция аномалиялари болалар офтальмологиясининг муҳим муаммоларидан бўлиб ҳисобланади. Охирги ўн йил ичида миопия ва бошқа рефракция, аккомодация бузилишлари ёш болалар орасида сонининг ўсиш тенденцияси сақланмоқда (Курганова О.В. ва ҳаммуал., 2018). Рефракция аномалияларини консерватив ва хирургик даволашдаги эришилган замонавий ютуқлар, кўрув функциясининг турғунлиги ва асоратларини олдини олишни таъминламайди, рефракция аномалиялари дунёда энг кенг тарқалган кўз касаллигидан бири ва кўришнинг пасайишини асосий сабабчиси бўлиб қолмоқда. Миопиянинг тарқалиши йилдан йилга ўсиб бормоқда: 1987 йилда миопия мактаб ўқувчиларининг 32,2% (Курганова О.В., 2018), 1996 йилда мактаб битирувчиларининг 40%, 2005 йилда миопия ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари орасида 46-52% болалар улушига тенг (Катаргина Л.А., 2015; Нероев В.В., 2014). 2020 йилга қадар рефракция аномалияси дунёда 1,6 млрд. одамда қайд қилинган бўлиб, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 1,5 баробар кўпайиши ва 2,5 млрд. га етиши тахмин қилинмоқда (Гордеева С.А., 2017).

Чет эллик муаллифлар фикрига кўра, миопия тарқалиш даражаси аҳолининг яшаш жойига боғлиқ бўлиб, Жануби-Шарқий Осиё аҳолисининг 74-84% ини ташкил қилиши мумкин. Мактаб ёшидаги болаларда миопия

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ривожланишида, айниқса ноқулай гигиеник шароит, яқин масофада ишлаш, наслий мойиллик ва аккомодациянинг суэтлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Тарутта Е.П., 2005). Жисмоний фаоллиги турли хил бўлган мактаб ўқувчиларида кўриш фаолияти бузилишининг сабаблари батафсил ўрганиб чиқилган ва мактаб ўқувчилари жисмоний фаоллигининг миопия ривожланишига таъсири борлиги исботланган, бу эса ўз навбатида касалликнинг олдини олиш бўйича тавсияларни тайёрлашда акс эттирилиши лозим бўлган жиҳатлардан биридир (Исаханов А.Л., 2006).

Рефракция аномалиялари турли хавф омилларини ўрганиш, уларни бартараф этиш, рефракция аномалияларини эрта ташхислаш, уларни ўз вақтида коррекция қилиш, оптимал профилактика йўллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар кенг миқёсда барча давлатлар, шу жумладан мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан амалга оширилмоқда ва жиддий муваффақиятларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам рефракция аномалиялари билан кўплаб олимларимиз иш олиб боришган бўлиб, Бабаханова Д.М., Икромов О.А., Икромов Д.А., Жураев Х.З., Захидов У.Б. шулар жумласидандир. Ушбу тадқиқот ишлари орқали миопия оқибатидаги ногиронлик, зўрайиб борувчи миопияни клиник ва молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида прогнозлаштириш, зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани клиник ташхислаш мезонлари, гиперметропик амблиопия давоси, ўсиб борувчи миопияда кўз фиброз қавати ва қоннинг микроэлемент таркиби каби муаммолар ўрганилгандир. Турли ёшдаги болалар орасида дунё миқёсида учраб турган рефракция аномалиялари шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ муаммолар Республикамизда ҳам долзарб бўлиб, рефракция аномалияларининг экологик муаммолари, ривожланишига таъсир қилувчи хавф омилларини аниқлаш, касаллик якуни истиқболини белгилаш, болаларда рефракция аномалияларининг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси, давосига мажмуавий ёндашувга асосланган илмий ишлар жуда кам.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, болаларда рефракция аномалияларини бирламчи ва иккиламчи профилактикасига қаратилган чора тадбирларни такомиллаштириш, даволашга мажмуавий ёндашиш, рефракция аномалиялари билан болаларни олиб бориш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалияларининг коррекция ва профилактика чораларини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактаб ёшидаги болаларда ёшига боғлиқ ҳолда рефракция аномалияларининг тарқалиши, структурасини ўрганиш ва пандемия давридаги ўзгаришлар таҳлилини баҳолаш;

эмметропия ва рефракция аномалияси кузатилган болаларда оптик когерент томография маълумотлари асосида тўр парда қалинлиги ҳолатини солиштирма таҳлил қилиш ва кўз олмаси аксиал узунлиги, рефракция ва кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишига таъсир қилувчи хавф омилларини аниқлаш ва «Мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишини башоратлаш» компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

рефракция аномалиялари билан болаларда рефракцион амблиопиянинг олдини олиш, вақтида коррекция қилиш ва адекват олиб бориш мақсадида «Рефракция аномалиялари бўлган мактаб ёшидаги болалар реестри» ни яратиш;

рефракция аномалияли мактаб ёшидаги болаларни олиб бориш алгоритминини яратиш ва даволашга мажмуавий ёндашишни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2022 йилларда Хоразм вилоятининг турли шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи 1438 нафар (2876 кўз) умумий ўрта мактаб ўқувчилари ва РИКМИАТМ Хоразм филиали маслаҳат поликлиникасида рефракция аномалияси ташхиси билан амбулатор даволанган 110 нафар болалар жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мактаб ёшидаги болаларнинг тиббий-ижтимоий ва офтальмологик тадқиқот материаллари бўлган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Белгиланган мақсадга эришиш учун клиник-офтальмологик, тиббий-ижтимоий ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактаб ёшидаги болаларда аккомодацион аппаратнинг узок муддатли зўриқиши, гиподинамия хисобига пандемия даврида ундан олдинги даврга нисбатан рефракция аномалияларининг диспансер назоратига олиниш кўрсаткичи ошганлиги исботланган;

илк бор мактаб ёшидаги болаларда тўр парда қалинлиги миопик рефракцияда периферик қисмларда, гиперметропик рефракцияда марказий қисмларда эмметропик рефракцияга нисбатан паст кўрсаткичга эга эканлиги исботланган;

тўр парда қалинлиги кўрсаткичи - кўз олмаси олдинги орқа ўқ узунлиги орасида ўртача кучдаги тескари, рефракция кўрсаткичи орасида: миопик рефракция бўйича кучсиз тескари, гиперметропик рефракция гуруҳида ўртача кучдаги тўғри корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

тўр парда қалинлиги ва кўриш ўткирлиги кўрсаткичи орасида: миопик рефракция гуруҳида ўртача кучдаги тўғри, гиперметропик рефракция гуруҳида ўртача кучдаги тескари корреляцион боғлиқликлар аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишига таъсир қилувчи хавф омиллари уй ва мактаб шароити билан боғлиқ бўлган гуруҳларга ажратилиб, ушбу хавф омилларининг бартараф қилиниши мезонлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган;

мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишини башоратлаш компьютер дастури ишлаб чиқилган;

рефракция аномалиялари бўлган мактаб ёшидаги болалар реестри, маълумотлар базаси яратилган;

рефракция аномалияларининг мажмуавий даволаш усули ва рефракция аномалияли мактаб ёшидаги болаларни олиб бориш алгоритми яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижалар ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи офтальмологик, тиббий-ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланиш, етарли миқдордаги клиник материаллар, олинган натижаларнинг назарий ва амалий далиллари, маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг маълумотлари билан таққослаганда уларнинг ишончлилиги, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактаб ёшидаги болалар орасида рефракция аномалияларининг тарқалиши пандемия даври ошганлиги, мактаб ва уй шароити билан боғлиқ бўлган хавф омиллари ўрганилиб, улардан уй шароити билан боғлиқ хавф омилларини олдини олиш бўйича профилактика чораларини оптималлаштиришни талаб қилиши, болаларда оптик когерент томография маълумотларига кўра тўр парда қалинлиги кўрсаткичлари эмметропия ва амметропия турларидаги солиштирма таҳлили, ушбу кўрсаткични кўз олмаси олдинги орқа ўк узунлиги, рефракция, кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқиши хавф омиллари уй ва мактаб шароити билан боғлиқ бўлган гуруҳларга ажратилиб, «Мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишини башоратлаш» компьютер дастурини ишлаб чиқилганлиги, мактаб ёшидаги болалар орасида рефракция аномалиялари хавф омилли мавжуд болаларни гуруҳларга ажратган ҳолда тегишли профилактик чора-тадбирларни қўллаш орқали касаллик бирламчи профилактикасига эришилганлиги, рефракция аномалияси мавжуд болаларни олиб бориш алгоритми ва мажмуавий даволаш усули тадбиқ қилинганлиги, «Рефракция аномалиялари бўлган мактаб ёшидаги болалар реестри» маълумотлар базасини яратилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда рефракция аномалиялари профилактикаси ва коррекциясига мажмуавий ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар рефракция аномалиялари профилактикаси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда рефракция аномалияларини шаклланиши сабабларини аниқлаш ва баҳолаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7-октябрдаги 8н-з/527-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари шаклланиши ва ривожланиши хавф омилларини аниқлаш имконини берган;

болаларда рефракция аномалияларини даволаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда рефракция аномалияларини даволаш самарадорлигини аниқлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7-октябрдаги 8н-з/527-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалияларини даволаш самарадорлигини аниқлаш имконини берган;

мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари профилактикаси ва коррекциясига мажмуавий ёндашув бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Хоразм вилояти Қўшқўпир, Янгиариқ ва Шовот туманлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7-декабрдаги 08-38964-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни жорий қилиниши мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалияларини олдини олиш, хавф омилларини эрта аниқлаш, рефракция аномалияларини ўз вақтида коррекция қилиш ва адекват олиб бориш, рефракцион амблиопияни олдини олиш, мажмуавий даволашни такомиллаштириш орқали асоратларни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда рефракция аномалиялари профилактикаси ва коррекциясига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили акс этган, унда рефракция аномалиялари муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Рефракция аномалияларининг тарқалиши, ҳавф омиллари, патогенези, пандемия давридаги тарқалиши ва тузилишидаги ўзгаришлар, профилактикаси, болаларда рефракция аномалияларини замонавий коррекция қилиш ва даволаш усуллари, реабилитациясига бағишланган адабиёт манбаларининг кенгайтирилган кўриниши берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда рефракция аномалиялари профилактикаси ва коррекциясига мажмуавий ёндошиш бўйича тадқиқотлар материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тақиқот материали ва қўлланилган услублар баён қилинган. Илмий тадқиқот ишига жами 1438 нафар (2876 кўз) умумий ўрта мактаб ўқувчилари ва рефракция аномалияси мавжуд бўлган кичик мактаб ёшидаги 110 нафар бола (220 кўз) жалб қилинган. Тадқиқот иши икки босқичда олиб борилиб, биринчи босқичда Хоразм вилоятидаги умумий ўрта мактаб (УЎМ) ўқувчилари тиббий-офтальмологик кўриги ва сўровнома ўтказилган. УЎМ ўқувчилари икки қисмга: кичик мактаб ёшидаги (7-12 ёш ) ва катта мактаб ёшидаги (13-17 ёш) ўқувчиларга бўлинган. Ўрганилган кичик мактаб ёшидаги болалар жами 818 нафарни (1636 кўз) ташкил этиб, улар ёш бўйича куйидагича тақсимланган: 7 ёш - 193 нафар (23,59%); 8 ёш - 176 нафар (21,51%); 9 ёш - 128 нафар (15,65%); 10 ёш - 116 нафар (14,18%); 11 ёш - 160 нафар (19,55%); 12 ёш - 45 нафар (5,5%).

Ушбу текширилганлар жинс бўйича тақсимланганда уларнинг бир бирига яқин эканлиги кузатилган: ўғил болалар 52,08% (n=426), қиз болалар 47,92% ни (n=392) ташкил этган, шаҳарда муқим яшовчилар 47,31% ни (n=387) ташкил этган бўлса, қишлоқда муқим яшовчи болалар 52,69% ни (n=431) ташкил этган.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар 620 нафарни (1240 кўз) ташкил қилиб, 320 нафари қиз болалар (51,6%) ва 300 нафари ўғил болалар (48,4%) бўлган. шаҳарда муқим яшовчилар 42% ни (n=261) ташкил этган бўлса, қишлоқда муқим яшовчи болалар 58% ни (n=359) ташкил этган. Респондентлар ёш, жинс ва турар жойлари бўйича репрезентатив бўлган. Ёш бўйича куйидагича тақсимланган: 13 ёш - 114 нафар (18,4%); 14 ёш - 114 нафар (18,4%); 15 ёш - 200 нафар (32,3%); 16 ёш - 56 нафар (9%); 17 ёш - 136 нафар (21,9%).

Тадқиқотнинг иккинчи босқичига 110 нафар (220 кўз) РИКМИАТМ Хоразм филиали маслаҳат-поликлиникасига мурожаат қилган, кичик мактаб ёшидаги рефракция аномалияси мавжуд болалар жалб қилинган. Болаларнинг ёши 7-12 ёш оралиғида бўлиб, ўртача  $9,68 \pm 0,15$  ёшини ташкил қилган.

Амметропия турига кўра беморлар учта гуруҳга ажратилган:

А гуруҳ - миопик рефракцияга эга беморлар - 76 нафар (152 та кўз, 69%);

Б гуруҳ - гиперметропик рефракцияга эга беморлар - 21 нафар (42 та кўз, 19%);

В гуруҳ - астигматизм мавжуд беморлар - 13 нафар (26 та кўз, 12%).

Беморлар ўтказилган даволашга мажмуавий ёндашув самарадорлигини аниқлаш учун учта гуруҳга ажратилган:

Биринчи гуруҳ - оптимал коррекция, кўз гимнастикаси тавсия қилинган;

Иккинчи гуруҳ - оптимал коррекция, кўз гимнастикаси ва лютеин, зеаксантин, омега 3 таркибли маҳаллий препарат ичишга тавсия қилинган;

Учинчи гуруҳ - оптимал коррекция, кўз гимнастикаси, лютеин, зеаксантин, омега 3 таркибли маҳаллий препарат ичишга, микротокли рефлексотерапия тавсия қилинган.

Диссертация ишини бажариш жараёнида замонавий, анъанавий офтальмологик, тиббий-ижтимоий, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тиббий-ижтимоий текширув учун анкеталаш усулидан фойдаланилган. Болалардан ота-оналари билан биргаликда сўров-интервью усулида маълумотлар олиш учун махсус анкета ишлаб чиқилган, у Илмий кенгашда тасдиқлангач, кўп нусхада чиқарилган. Анкета ўқувчилар мактаб ва уй шароити билан боғлиқ кўрув аъзосига таъсир қилувчи омилларни ўрганишга қаратилган 50 та саволдан ташкил топган бўлиб, улар респондент (ўқувчи) тўғрисидаги умумий маълумотлардан, мактаб шароитида ва уйда унинг дарс тайёрлаши, мустақил шуғулланиши учун яратилган шароитларни ўрганишдан иборат бўлган. Анкета бўйича сўров натижасида кўриш ўткирлигига салбий таъсир этувчи хавф омиллари тўғрисида маълумотлар олинган, улар статистик таҳлил қилинган, баҳоланган ва ўрганилган хавф омиллари асосида болаларда рефракция аномалиялари ривожланиши башоратлаш компьютер дастури ишлаб чиқилган.

Стандарт текширув усулларида кўздан кечириш, сўраб-суриштириш йўли билан анамнез йиғиш, визиометрия, биомикроскопия, рефрактометрия (скиоскопия) табиий ва мидриаз ҳолатида, периметрия, офтальмоскопия, Ультратовуш А-scan, В-scan, ОКТ, кўз туби лазер жарроҳ кўриги, аккомодациянинг нисбий захираси аниқланган.

Олинган маълумотлар Microsoft Excel 2016 дастури ёрдамида ишланиб, ўртача арифметик миқдор ( $M$ ), ўртача миқдор хатоси ( $m$ ), стандарт оғиш ( $\sigma$ ), ишончлилик мезони ( $P$ ), дисперсия таҳлили ( $t$ -тест) аниқланган. Параметрлар ўртасидаги корреляция Пирсон усули ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Мактаб ўқувчиларининг тиббий кўрик ва рефракция аномалияли беморларни даволашдан олдинги текширув натижалари таҳлили**» деб номланган учинчи бобида УЎМда ўтказилган тиббий-офтальмологик кўрик натижалари таҳлиliga кўра, кичик ва катта мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари тарқалиши ва тузилиши кўрсаткичлари таҳлили келтирилган (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар таҳлиliga кўра қуйидаги фарқлар аниқланган: катта мактаб ёшидаги болаларда аккомодация

бузилишлари кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан 2,86 марта фоиз нисбатида кўп учраган, рефракция аномалиялари катта ёшли болаларда кичик ёшли мактаб ўқувчиларига нисбатан 3,19 марта кўп учраши, рефракция аномалиясини асосан миопик рефракция ҳисобига ёшга боғлиқ ҳолда кескин ошганини кўрсатган. Шу билан бирга структурасида рефракция турларининг бир бирига нисбат фарқлари қуйидагича бўлган: кичик мактаб ёшидаги болаларда - 1:0,45:0,41; катта мактаб ёшидаги болаларда - 1:0,25:0,20.

1-жадвал

**Катта ва кичик мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари структура кўрсаткичлари**

Нозологик бирлик	Кичик мактаб ёшидаги болалар (7-12 ёш)		Катта мактаб ёшидаги болалар (13-17 ёш)			
	Болалар сони (нафар / %)		Кўз сони	Болалар сони (нафар / %)		Кўз сони
Умумий болалар сони	818		1636	620		1240
Рефракция аномалиялари	90	11,0	175	218	35,2	428
Миопик рефракция	48	53,3	93	149	68,3	295
Гиперметропик рефракция	22	24,4	42	38	17,4	73
Астигматизм	20	22,2	40	31	14,2	60
Аккомодация бузилишлари	18	2,2	36	39	6,3	78

Тиббий кўрик давомида миопиянинг енгил, ўрта, юқори даражалари нисбати 67%, 23%, 10%; гиперметропиянинг енгил, ўрта, юқори даражалари 54%, 35%, 11% нисбатда бўлган, аралаш ва оддий астигматизм умумий рефракция аномалиясининг 16% ни ташкил қилган.

Пандемия даврида мактаб ёшидаги болаларда тиббий кўрик давомида аккомодациянинг захираси аниқланиб, 7-9 ёшли болаларда аккомодациянинг нисбий захираси нисбатан камайиши, 10-17 ёшли мактаб ўқувчиларида эса кескин камайиши ва  $2,1 \pm 1,3$ ;  $1,9 \pm 1,78$  га тенглиги келтирилган.

Рефракция аномалиялари учраш частотаси ўсиш ёки пасайиши суръатларига пандемия даврининг таъсир даражасини аниқлаш мақсадида пандемиягача (2018-2019 йиллар) ва пандемия даври (2020 йил) бўйича мактаб ёшидаги болаларнинг ушбу нозологик бирликлар бўйича диспансер назоратига олинганлик кўрсаткичлари ретроспектив усулда аниқланиб келтирилди (2-жадвал).

Келтирилган натижалар ва уларнинг таҳлилидан қуйидаги ўзига хос кўрсаткичлар аниқланган:

биринчидан, пандемия даврида рефракция аномалиялари учраш даражаси пандемиягача бўлган даврга нисбатан кескин ошган, ўсиш кўрсаткичлари йиллар бўйича 11,8% дан 55,9% гача, яъни 2,5 мартага кескин ошган;

иккинчидан, амметропия турларининг (миопия, гиперметроия ва астигматизм) бир бирига нисбатан учраш параметрлари ҳам эътиборли даражада фарқ қилган - мос равишда 1:0.12:0.19 га қарши 1:0.05:0.13.

## 2-жадвал

### Рефракция аномалиялари бўйича диспансер назоратига олинган мактаб ёшидаги болаларнинг йиллар бўйича тақсимланишининг қиёсий кўрсаткичлари

Назологик birlikлар		2018 йил	2019 йил	2020 йил
Миопия	мутлоқ	2160	2465	6185
	%	75.9	76.4	84.5
Гиперметропия	мутлоқ	262	285	306
	%	9.2	8.8	4.2
Астигматизм	мутлоқ	423	477	825
	%	14.9	14.8	11.3
Жами рефракция аномалиялари	мутлоқ	2845	3225	7316
	%	100,0	100,0	100,0

Ушбу бобда ўтказилган сўровнома асосида мактаб ёшидаги болалар кўрув аъзосига таъсир қилувчи модификацияланувчи ва модификацияланмайдиган, уй ва мактаб шароити билан боғлиқ бўлган хавф омилларини сўровнома асосида ўрганилиб, уй шароити билан боғлиқ бўлган хавф омиллари ўқувчилар орасида кўрув аъзосига салбий таъсири юқори эканлиги аниқланган. Пандемия даврида мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари ривожланишида соат 20.00 дан кейин дарс билан шуғулланиш, болаларнинг кечқурунги уйку ўрнига гаджетлардан фойдаланиши, кўз ва объект орасидаги масофа 20 см камлиги каби хавф омилларининг таъсири аниқланган.

Сўровнома 50 та саволдан иборат бўлиб, сўровнома натижаларига кўра ажратиб олинган хавф омилларини киритган ҳолда «Мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишини башоратлаш компьютер программаси» яратилган (1-расм). Компьютер программаси индивидуал назарий маълумотлар ва амалий малакавий тажрибадан келиб чиққан ҳолда учта хавф даражасига ажратилган бўлиб, ҳар бир хавф даражаси учун тегишли кўрсатмалар тавсия қилинган, ушбу дастур қўлланилиши хотимасида рефракция аномалиялари тўғрисида маълумот келтирилган, мактаб ёшидаги болаларга оммавий қўлланилиши мумкин, аҳолидан тиббий муассасага бориш учун вақт ажратишни ва иқтисодий жиҳатдан харажат талаб қилмаган, бемор ва шифокор вақтини тежаган, рефракция

аномалиялари тўғрисида маълумот олиш имконини берган, шу билан бирга аҳолини тиббий маданиятини ошириш учун хизмат қилган.

Ушбу программага Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома олинган.

**Мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишини башоратлаш**

Мактабда уқиш сменаси =	
Ота-онаси кариндошлиги =	
Онасининг хомиладорлик I ярмида утказган касалликлари =	
Онасининг хомиладорлик II ярмида утказган касалликлари =	
Оила аъзоларида қуриш уткирлигининг пасайиши борми =	йук
Яқин кариндошларида қуриш уткирлигининг пасайиши борми =	
Уқиш ва ёзиш пайтида куз ва объект орасидаги масофа =	
Мураккаб фанлар кунига неча мартаба такрорланади =	
Уйга вазифани қандай шароитда тайёрлайди =	
Уйга вазифа тайёрлаш учун сарфлайдиган вақти =	
Синфдан ташқари уқиш учун сарфлайдиган вақти =	
Уйда компьютердан фойдаланиш учун сарфлайдиган вақти =	
Уйга вазифа тайёрлайдиган хонанинг ёритилиши =	
Телевизор қуриш учун сарфлайдиган вақти =	
Уйга вазифани соат нечада тайёрлайди =	
Буш вақтини қандай утказди =	

### 1-расм. Мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари келиб чиқишини башоратлаш компьютер программаси

Диссертациянинг бу бобида тадқиқотга жалб қилинган болаларда даволашдан олдинги текширув натижалари таҳлили ва ОКТ маълумотларига кўра тўр парда қалинлиги кўрсаткичини рефракция турларидаги таққослама таҳлили, ушбу кўрсаткичларини кўз олмаси аксиал узунлиги, рефракция ва кўриш ўткирлиги кўрсаткичлар билан боғлиқлиги келтирилган.

Тадқиқот ишида олинган беморлар текширув натижаларини баҳолаш учун соғлом болалардан (эмметропик рефракция) ташкил топган назорат гуруҳи шакллантирилган 22 нафар бемор (44 та кўз), уларнинг ўртача ёши  $9,91 \pm 0,31$  ни ташкил қилган. Амметропия тури бўйича ажратилган гуруҳлар барча текширув натижаларида назорат гуруҳи (эмметропия) натижаларидан ишонарли фарқлари аниқланган.


ОКТ текшируви натижаларига кўра амметропия турлари ва эмметропия гуруҳида тўр парда қалинлиги ўртача қийматлари барча периферик қисмларида асосан миопик рефракцияга эга беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан паст кўрсаткич олинган, бу қийматлар гиперметропик рефракция ва астигматизм аниқланган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан кам фарқ қилган. Тўр парда марказий қисмларда қалинлиги ўртача қийматлари бўлса гиперметропик рефракция аниқланган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан паст қийматларга эга бўлиб, миопия ва астигматизм гуруҳида бу кўрсаткич эмметропия гуруҳига ишонарли даражада яқин бўлган (3-жадвал).

**Рефракция тури бўйича ажратилган гуруҳларда ОКТ маълумотларига кўра тўр парда ўлчамлари (нм) кўрсаткичлари (M±m)**

Тўр парда қисмлари	Миопия	Гиперметропия	Астигматизм	Назорат (эмметропия)
Ўртача	263,3±3,4***	286,7±2,4***	270,4±2,1***	301,3±1,1
Фовеа	193,4±11,1	147,4±20,3*	196,1±3,0	200,0±1,1
Марказий	238,8±6,4	228,7±10,5	224,1±2,3***	242,9±2,1
Юқориги	265,0±3,4***	292,4±2,1***	272,6±2,1***	303,7±1,6
Пастки	261,2±3,8***	281,5±3,3***	253,1±15,8*	298,7±1,0
Назал	281,4±4,4***	307,2±2,8***	289,8±4,3***	323,2±1,4
Темпорал	258,4±3,8***	284,0±3,2*	271,3±0,75***	296,8±0,8

Эслатма: \* - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (\*- $p<0,05$ ; \*\*- $p<0,01$ ; \*\*\*- $p<0,001$ )

Тадқиқот ишининг вазифаларидан бири бўлган тўр парда қалинлигини ОКТ маълумотлари асосида рефракция аномалияларидаги ўзгаришларни ўрганиш, бу кўрсаткичларни кўз олмаси ООЎ узунлиги, рефракция ва кўриш ўткирлиги билан боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Шунга кўра тўр парда қалинлиги кўз олмаси ООЎ узунлиги кўрсаткичлари билан ўртача кучли тескари боғланиш ( $r=-0,57$ ), рефракция кўрсаткичи билан миопик рефракция гуруҳида кучсиз тескари ( $r=-0,25$ ), гиперметропик рефракция гуруҳида ўртача кучли тўғри боғланиш ( $r=0,42$ ) ва КЎ кўрсаткичи билан миопик рефракция гуруҳида ўртача кучли тўғри боғланиш ( $r=0,32$ ), гиперметропик рефракция гуруҳида ўртача кучли тескари боғланиш ( $r=-0,38$ ) аниқланди (2-а, б, в. расм).



а) кўз олмаси олдинги орқа ўқ узунлиги билан;



б) рефракция кўрсаткичи билан;



в) кўриш ўткирлиги кўрсаткичи билан;

## 2- а,б,в. расм. ОКТ маълумотларига кўра тўр парда қалинлигининг корреляцион боғлиқлиги

Диссертациянинг «Мактаб ёшидаги болаларда рефракция аномалиялари даволаш натижалари таҳлили ва олиб бориш алгоритми» деб номланган тўртинчи бобда ажратилган учала гуруҳдаги беморларда даволаш натижалари таҳлили, мактаб ёшидаги рефракция аномалиялари билан болаларни олиб бориш алгоритми ва яратилган «Рефракция аномалиялари бўлган мактаб ёшидаги болалар реестри» маълумотлар базасига оид натижалар келтирилган.

Даволаш натижалари таҳлиliga кўра кўрув аъзоси функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида кўрув аъзосининг марказий кўриши, яъни КЎ ва МККЎ ҳамда периферик кўриш, яъни кўрув майдони - периметрия натижалари, ёруғлик сезувчанликнинг ўртача оғиши кўрсаткичлари даволашдан кейинги динамик натижалари қайд қилинган. Кўриш ўткирлиги даволаш динамикасидаги натижалари 4-жадвалда келтирилган.

